

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАРҚАЕВ АБДУМЎМИН ЯХШИБОЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ИНГИЧКА ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ ЁКИ СТОМА ҚЎЙИШГА  
КЎРСАТМАЛАР ВА ТАКТИК ЁНДАШУВНИ ТАНЛАШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Марқаев Абдумўмин Яхшибоевич**

Болаларда ингичка ичак резекцияси ёки стома қўйишида кўрсатмалар  
ва тактик ёндашувни танлаш ..... 3

**Маркаев Абдумумин Яхшибоевич**

Выбор показаний и тактических подходов к резекции или  
стомированию тонкого кишечника у детей..... 27

**Markaev Abdumumin Yakshiboevich**

Selection of indications and tactical approaches to resection or stomy of the  
small intestine in children..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАРҚАЕВ АБДУМЎМИН ЯХШИБОЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ИНГИЧКА ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ ЁКИ СТОМА ҚЎЙИШГА  
КЎРСАТМАЛАР ВА ТАКТИК ЁНДАШУВНИ ТАНЛАШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестацион комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1305 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Насриддин Шамсиддинович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Акилов Хабибулла Атауллаевич,**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор,

**Юсупов Шухрат Абдурасулович ,**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**С.Д.Асфендияров номидаги**  
**Қозғистон миллий тиббиёт**  
**университети.**

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.04/01.02.2022.tib.147.01 рақамли илмий кенгашда «\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 й. соат \_\_ да бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294, (Миллий Болалар Тиббиёт Маркази) Тел/факс (+99855) 503-03-66, e-mail: [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz)).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№22 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Паркент кучаси, 294-уй.. Телефон: (99855) 503-03-66.

Диссертациянинг автореферати «\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда тарқатилган.  
(«\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда № \_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.М. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

**А.С. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

**Э.А. Сатвалдиева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг маълумотларига кўра, болаларда ошқозон-ичак тизими (ОИТ) аъзоларининг патологияси туғма ва орттирилган касалликлар орасида ўсиб келаётган авлод саломатлигининг жиддий муаммоларидан биридир<sup>1</sup>. Ошқозон-ичак тизими аномалиялари ва ўткир жараёнлар турли-туман бўлиб, улар клиник кўринишлари жиҳатидан кўп қиррали, ҳаётга хавф туғдирувчи асоратлари билан хавфлидир<sup>2</sup>. Сўнгги ўн йилликларда болалар ва ўсмирларда ошқозон-ичак тизими касалликларининг учраш саломоғи 30% га ошди. Тиббиёт соҳасидаги катта технологик янгиланишларга қарамай, турли ёшдаги беморлар шошилиш жарроҳлик патологиялари билан шифохонага кеч ётқизиш, шунингдек, асоратлар ривожланиши туфайли жарроҳлик аралашувларини ҳам кечиктириб амалга ошириш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Жаҳон илмий адабиётида ҳанузгача ингичка ичакда жарроҳлик операцияларини амалга ошириш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Энтеротомия, ичак резекцияси билан анастомоз ёки стома қўйиш каби жарроҳлик усуллари фавқулудда ҳолларда – масалан, шошилиш жарроҳлик патологиялари ёки травматик жароҳатлар пайтида – танлов усули сифатида қўлланиши мумкин. Шу билан бирга, бу операциялар турли ёшдаги болаларда ошқозон-ичак тизими аномалияларини тузатиш учун босқичма-босқич амалга ошириладиган коррекция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида қўлланиши мумкин<sup>3</sup>. Болалик давридаги гастроэнтерологик патология катталарда ошқозон-ичак тизими касалликларининг ривожланишининг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилади<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасида турли муаллифлар томонидан ошқозон-ичак патологиялари учун жарроҳлик операцияларига аниқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, уларни бажариш усуллари такомиллаштириш ва стоманинг фаолият муддатини патология хусусиятларига мувофиқ аниқлаш зарурлиги таъкидланган<sup>5</sup>. Болаларда абдоминал жарроҳлик патологияларини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш учун самарадорлик мезонларини аниқловчи илмий асосланган натижалар муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Тез тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4985-сонли Фармони, шунингдек, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Rytting, H.B., Yin, H. (2021). Gastrointestinal Disorders in the Infant and Child. In: Wang, H.L., Chen, Z.E. (eds) Practical Gastrointestinal Pathology. Practical Anatomic Pathology. Springer, Cham. [https://doi.org/10.1007/978-3-030-51268-2\\_1](https://doi.org/10.1007/978-3-030-51268-2_1)

<sup>2</sup> Ludwig K., De Bartolo D., Salerno A. et al. Congenital anomalies of the tubular gastrointestinal tract. Pathologica. 2022 Feb;114(1):40-54. doi:10.32074/1591-951X-553.

<sup>3</sup> Аверин В.И. Кишечные стомы у детей / В. И. Аверин, М. А. Аксельров, Ю. Г. Дегтярев и др. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2020. – 112 с.

<sup>4</sup> Детская гастроэнтерология: практическое руководство / под ред. И.Ю. Мельниковой. – М.: ГЭОТАР-Медиа. – 2018. – 480 с.

<sup>5</sup> Эргашев Н.Ш., Саттаров Ж.Б. Диагностика и лечение врожденной кишечной непроходимости у новорожденных // Современная медицина: актуальные вопросы. 2013. №25. Стр.21-16.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади<sup>6</sup>.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг энг заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида болаларда қорин бўшлиғи аъзолари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини ошириш, ўз вақтида ташхис қўйиш мезонларини ишлаб чиқиш ва жарроҳлик аралашувларининг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига ҳамда диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши – VI “Тиббиёт ва фармакология”, ДИТД-9 нинг “Одам касалликларини олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё бўйлаб олиб борилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижасида ошқозон-ичак тизими аъзоларининг кўпгина касалликлари этиологияси, патогенези, ташхис ва даволаш усуллари бўйича янги маълумотлар олинди. Бироқ, болалар гастроэнтерологиясига оид замонавий илмий янгиликлар амалиётдаги шифокорлар томонидан етарлича татбиқ этилмапти. Бу ҳолат айрим махсус маълумотларнинг кўплиги ва уларнинг турли мутахассислар томонидан ҳар хил талқин қилинаётгани билан боғлиқ.

Ичакларнинг ривожланиш нуқсонлари абдоминал патологиялар орасида энг кўп учрайдиган касалликлардан ҳисобланади. Янги туғилган чақалоқлар ва ҳаётнинг биринчи ойидаги чақалоқларнинг катта қисми жарроҳлик даволашга муҳтож бўлади. Диаметри ўзаро мос келувчи ичак халқаларини бирлаштириш учун тўғри ёки мослаштирилган анастомозлар яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кўп ҳолларда, жарроҳлик амалиётининг дастлабки босқичи энтеростомия билан яқунланади. Бироқ, экспертлар бу масалада ягона фикрга эга эмас. Айрим мутахассислар, айниқса перитонит ҳолатида, икки стволли терминал энтеростомияни қўллашни мақбул деб ҳисоблашади. Бошқа тадқиқотчилар эса ичакни ташқи дренажлашнинг турли усуллариини таклиф қилишади. Шунингдек, Т-симон анастомоз қўйишда энтеростомия техникасига нисбатан ҳам турлича ёндашувлар мавжуд.<sup>7,8</sup>

Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликларини ташхислашни қийинлаштирадиган омиллардан бири – уларнинг клиник-анатомик вариантларининг хилма-хиллигидир. Бундай касалликларга ичак

<sup>6</sup> Постановление Президента РУз от 20.06.2017 г. № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 25, стр. 532.

<sup>7</sup> Gorbatyuk O.M., Babuci S.I., Martinyuk T.V., Bertsun K.T. Obturation intestinal obstruction in the course of necrotizing enterocolitis in newborn children. Wiad Lek. 2021;74(4):838-841.

<sup>8</sup> Gil-Vargas M., Saavedra-Pacheco M.S. Early Feeding versus Traditional Feeding in Children with Ileostomy Closure. J Indian Assoc Pediatr Surg. 2022 Mar-Apr;27(2):223-226.

мальротациялари, қисман ичак тутилишлари, ичакнинг жароҳатланиши ва некрозланувчи энтероколит киради. Ичак перфорацияси, перитонит ва ичак некрози каби асоратлар билан кечадиган касалликлар алоҳида қийинчиликларни келтириб чиқаради<sup>9</sup> ва одатда ноанъанавий жарроҳлик тактикасини талаб қилади. Янги туғилган чақалоқларда бир қаторли чоклар билан анастомоз қўйиш умумий эътирофга сазовор бўлган. Бироқ, бир ойдан катта болаларда ушбу тикиш усулидан фойдаланиш масаласи ҳамон баҳс мавзуси бўлиб қолмоқда. Бундай жарроҳлик-тактик ёндашувлар бошқа патологияларда, шу жумладан ичакнинг травматик жароҳатларида ҳам қўлланилади. Бироқ, ушбу ҳолларда жарроҳлик тактикасининг жиҳатлари етарлича ёритилмаган. Ичак найи нуқсонларининг патоморфологик вариантларининг хилма-хиллиги, орттирилган ўткир жарроҳлик касалликлари ва яллиғланиш касалликларининг кўплиги, операция усули, муддати ва яқунлаш усулини танлашда ягона ёндашувнинг йўқлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикаси усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** болаларда ингичка ичак патологиялари ва аномалиялари, шунингдек, қорин бўшлиғи аъзоларининг орттирилган касалликларида ўтказиладиган жарроҳлик операцияларининг натижаларини яхшилаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

турли ёшдаги болаларда ингичка ичакда жарроҳлик аралашувларини талаб қиладиган туғма ва орттирилган характердаги қорин бўшлиғи аъзолари касалликларининг турлари ва улушини аниқлаш;

касалликларнинг кечиш хусусиятларини, турли текширув усулларига кўрсатмаларни белгилаш; ташхислаш алгоритмининг ишлаб чиқиш;

ингичка ичакда жарроҳлик операцияларини ўтказишга кўрсатмаларни аниқлаш, даволаш ёндашуви ва операциядан кейинги даврда беморларни парвариш қилишнинг рационал усулларини ишлаб чиқиш;

бир босқичли ва кўп босқичли операцияларнинг эрта ва узоқ муддатдаги натижаларини баҳолаш; таклиф этилган ташхислаш ва даволаш ёндашувининг самарадорлигини асослаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида туғма аномалиялар, шикастланиш ва яллиғланиши билан боғлиқ қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари мавжуд бўлган 485 нафар 1 кунликдан 18 ёшгача бўлган болалар олинган.

**Тадқиқот предмети:** боланинг умумий соматик аҳволи ва қорин бўшлиғи аъзоларининг анатомик ва функционал ҳолатини жарроҳлик даволаш босқичларида комплекс баҳолаш.

---

<sup>9</sup> Козлов Ю.А., Новожилов В.А., Ковальков К.А. и др. Результаты лечения спонтанной перфорации кишечника у недоношенных детей // Детская хирургия. – 2017. – №6. – С.284-290.

**Тадқиқот усуллари:** умумий клиник, рентгенологик (умумий рентгенография, барийнинг меъда-ичак йўллари орқали пассажи, контрастли ирригография, экскретор урография), УТТ, мульти-спирал компьютер томографияси (МСКТ); махсус функционал, инструментал ва морфологик текшириш усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Катта клиник материал асосида турли ёшдаги болаларда ингичка ичакда жарроҳлик аралашувларини талаб қиладиган қорин бўшлиғи аъзолари касалликларининг учраш даражаси ва нозологик шакллари аниқланган.

Ушбу касалликларнинг клиник хусусиятлар ва анатомик вариантлари тизимлаштирилган; қорин бўшлиғи аъзолари патологияларининг айрим турлари учун ахборотдор ташхислаш усуллари ажратилган ва ташхислаш алгоритми таклиф қилинган.

Даволашнинг эрта ва узок муддатдаги натижаларига салбий таъсир қилувчи ҳамроҳ ва соматик касалликларнинг частотаси ва хусусиятлари аниқланган.

Патологиянинг тури ва специфик асоратлар характеридан келиб чиқиб, жарроҳлик тактикаси алгоритми таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Такдим этилган ташхислаш тактикасининг қўлланилиши қорин бўшлиғи аъзоларининг зарарланиш характерини аниқлашда ахборотдорликни оширади;

бирламчи ва қайта операцияларда аъзони сақлаб қолиш тактикасининг қўлланилиши «қиска ичак синдроми» ривожланиш хавфини камайтиради;

ҳамроҳ учрайдиган нуқсонлар ва касалликларни аниқлаш оптимал жарроҳлик аралашуви ва операциядан кейинги реабилитация тактикасини танлашга имкон беради;

ишлаб чиқилган ёндашув бўйича ичак стомаси бўлган беморларни парвариш қилиш парентерал озиклантириш муддатини қисқартириш ва асоратларнинг олдини олиш имконини беради;

тадқиқот натижалари услубий тавсиялар шаклида умумлаштирилган ва республика, вилоят ҳамда шаҳар тиббиёт муассасаларидаги болалар жарроҳлик бўлимларида жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** клиник, лаборатор, ультратовуш, рентген, компьютер томографияси, эндоскопия текширув натижалари ва статистик таҳлил асосида тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундаки, болаларда ингичка ичакда жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган қорин бўшлиғи аъзолари касалликларини ташхислаш ва уларни даволаш бўйича замонавий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Комплекс ташхислаш усуллари орқали патологияларни аниқлаш ва уларга боғлиқ жарроҳлик тактикаси ҳамда операция усулларини такомиллаштириш учун янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Таклиф этилган жарроҳлик усуллари, хусусан операция жараёнида ва ундан кейинги даврда, “қиска ичак синдроми” ривожланиши ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. Мазкур тадқиқот натижалари болалар жарроҳлиги соҳасида амалий ва илмий фаолият учун муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотда олинган маълумотлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг талабалари, магистрлари ва клиник ординаторлари ўқув дастурига киритилган. Шунингдек, ушбу натижалар республика миқёсидаги бошқа тиббиёт

олийгоҳларида ҳам болалар жарроҳлиги бўйича ўқув дастурларига киритилиши мумкин.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки,** жарроҳлик даволашнинг турли босқичларида оптимал диагностика ва жарроҳлик даволаш усули танланган бўлиб, бу даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради. Аниқланган патология турига қараб тактик ёндашув ва жарроҳлик аралашувини танлаш асосида сезиларли даражада ижобий натажаларга эришилганлиги ва тадқиқот иши натижаларини турли даражадаги тиббиёт муассасаларида қўллаш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/70-сонли хулосасига асосан:

**Биринчи илмий янгилик:** Катта клиник материал асосида турли ёшдаги болаларда ингичка ичакда жарроҳлик аралашувларини талаб қиладиган қорин бўшлиғи аъзолари касалликларининг учраш даражаси ва нозологик шакллари аниқланган, ҳамда Тошкент шаҳридаги 1-шаҳар болалар клиник шифохонасининг 10.10.2024 йилдаги №225-сонли буйруғи; Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.10.2024 йилдаги №227-сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётида жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, болаларда ингичка ичакда жарроҳлик аралашувларини талаб қиладиган қорин бўшлиғи аъзолари касалликларининг учраш даражаси ва нозологик шакллари аниқланган, бунга кўра ушбу касалликлар 4 гуруҳдан иборат эканлиги ва қўйидагича учраши аниқланган: 1) қорин бўшлиғи аъзоларининг туғма аномалиялари (n=183; 49%) (ингичка ичак атрезияси, ингичка ичак мембраннаси, ингичка ичак стенози, ингичка ичакнинг кистоз иккиланиши, мекониал ичак тутилиши, ингичка ичак мальротацияси, Гиршпрунг касаллигини тотал шакли, ректал қопча каби касалликлар); 2) қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликлари ва уларнинг асоратлари (n=118; 31,7%) (Меккел дивертикули, ичак инвагинацияси, битишмали ичак тутилиши, тарқалган перитонит каби касалликлар); 3) ичакларнинг шикастланишлари (n=17; 4,6%) (ингичка ичак шикастланиши, йўғон ичакнинг шикастланиши каби ҳолатлар); 4) ичакларнинг яллиғланиш касалликлари (n=55; 14,7%) (некротизланувчи энтероколит, Крон касаллиги). *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ташхислаш босқичида асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан 2,5 ётоқ-кунга қисқарган. Тадқиқот гуруҳларидаги ҳар бир нафар бемор учун 1 ётоқ-кун учун харажатлар ўртача 536.639 сўмни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳдаги беморлар учун ташхислаш босқичидаги ётоқ-кунларнинг 2,5 кунга қисқариши туфайли иқтисодий самарадорлик – 1.341.597.5 сўмни маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* ингичка ичакда жарроҳлик аралашувлари кўпинча қорин бўшлиғи аъзоларининг аномалиялари (49,0%) ва ичакнинг шошилинич жарроҳлик касалликлари, некротик энтероколит ва жароҳатлар (51%) кўринишидаги патологияларида амалга оширилган.

**Иккинчи илмий янгилик:** ушбу контингентдаги касалликларнинг клиник хусусиятлар ва анатомик вариантлари тизимлаштирилган; қорин бўшлиғи аъзолари патологияларининг айрим турлари учун ахборотли ташхислаш усуллари

танланиб, ташхислаш алгоритми таклиф қилинган ва Тошкент шаҳридаги 1-шаҳар болалар клиник шифохонасининг 10.10.2024 йилдаги №225-сонли буйруғи; Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.10.2024 йилдаги №227-сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётида жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритмлари ва ЭХМ дастурлари ташхислаш жараёнини соддалаштириш ва оптимал даволаш тактикаси танлаш имконини берган. Шунингдек, мазкур алгоритмлар болаларда ингичка ичакда жарроҳлик операцияларни ўтказилиши зарур бўлган касалликларни аниқлаш ҳамда қорин бўшлиғи аъзоларининг бошқа касалликлари билан қиёсий ташхис ўтказиш имкониятини яратган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* қорин бўшлиғи аъзоларининг туғма аномалиялари, қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир хирургик касалликлари ва уларда юзага келадиган асоратлар, шунингдек, ичакларнинг шикастланишлари ва орттирилган яллиғланиш касалликлардан иборат нозологик формалар тизимлаштирилган, уларнинг учраш даражаси, клиник кечишидаги хусусиятлар ва тафовутларни аниқлаш, тегишли ахборотли анъанавий ва замонавий ташхислаш усуллари танлаш асосида ташхислаш алгоритми таклиф қилинган ва ЭХМ дастури: “Болаларда ичак касалликларни клиник ва инструментал ташхислаш мезонлари” (DGU 202401913 27.02.2024 й.) ишлаб чиқилган. Ташхислаш усуллари такомиллаштириш орқали ҳамроҳ учрайдиган аномалияларни аниқлаш даражаси 59,5% дан 66,4% га оширишга эришилган, асосий гуруҳдаги беморлар учун ташхислаш босқичидаги ётоқ-кунларнинг 2,5 кунга қисқариши туфайли иқтисодий самарадорлик – 1.341.597.5 сўмни маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* ташхислаш алгоритмини қўллаш, клиник-анатомик вариантларни аниқлаш, ҳамроҳ касалликларни ва эҳтимолий асоратларни аниқлаш сифатини оширди, жарроҳлик аралашувлари ўтказилиши керак бўлган ҳолатлар бўйича кўрсатмаларни аниқлашга, бу эса ўз навбатида тегишли жарроҳлик ёндашувларини танлаш ва жарроҳликдан кейинги асоратларни камайтириш имкониятини яратган.

*Учинчи илмий янгилик:* даволашнинг эрта ва узоқ муддатдаги натижаларига салбий таъсир қилувчи ҳамроҳ ва соматик касалликларнинг частотаси ва хусусиятлари аниқланган ва Тошкент шаҳридаги 1-шаҳар болалар клиник шифохонасининг 10.10.2024 йилдаги №225-сонли буйруғи; Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.10.2024 йилдаги №227-сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётида жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* даволашнинг эрта ва узоқ муддатдаги натижаларига салбий таъсир қилувчи ҳамроҳ ва соматик касалликларнинг турлари, учраш даражаси ва хусусиятлари аниқланган. Ташхислаш усуллари такомиллаштириш орқали ҳамроҳ учрайдиган аномалияларни аниқлаш даражаси тадқиқот гуруҳларида солиштирилганда, асосий гуруҳда аниқлаш даражаси 59,5% дан 66,4% га, яъни 6,9% га ошганлиги қайд этилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми дастурини амалда қўллаш ҳамроҳ учрайдиган аномалиялар ва соматик касалликларни аниқлаш даражаси 6,9% га оширилиши, ҳамроҳ аномалиялар ва соматик касалликларни асосий касалликни даволаш мобайнида тегишли мутахассисларни

жалб қилган ҳолда даволаш натижасида кейинчалик яна даволаш учун давлат бюджетидан сарф қилиниши мумкин бўлган катта миқдордаги маблағни тежаш имкони берган. *Хулоса:* таклиф этилган ташхислаш алгоритми ва ЭҲМ дастурини амалиётда қўллаш ингичка ичакда жарроҳлик аралашувларини талаб қиладиган қорин бўшлиғи аъзолари касалликларини эрта аниқлаш имконини берган. Таклиф этилган жарроҳлик тактикаси алгоритми ва ЭҲМ дастурини қўллаш эса тегишли жарроҳлик ёндашувларини тўғри танлаш ва қўллаш, жарроҳликдан аралашуви натижаларининг самарадорлигини ошириш ҳамда жарроҳликдан кейинги асоратларни камайтиришда самарали ечим бўлиб ҳисобланган.

**Тўртинчи илмий янгилик:** патологиянинг тури ва асоратлар характеридан келиб чиқиб, жарроҳлик тактикаси алгоритми таклиф қилинган. Шунингдек, ингичка ичакнинг жарроҳлик касалликларини даволашда таклиф этилган тактик ёндашувнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ва Тошкент шаҳридаги 1-шаҳар болалар клиник шифохонасининг 10.10.2024 йилдаги №225-сонли буйруғи; Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.10.2024 йилдаги №227-сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётида жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган жарроҳлик-тактик ёндашувларнинг қўлланилиши натижасида тадқиқотдаги асосий ва таққослаш гуруҳлар солиштирилганда умумий жарроҳлик асоратлар 19,6%дан 9,8% гача камайтирилган, махсус жарроҳлик асоратлар 39,1% дан 13,0% гача камайган. Жарроҳликдан кейинги ўлим даражаси 2,6%дан 1,1% гача пасайган; узоқ муддат яхши натижалар 51,9% дан 71,1% гача ошган; қониқарсиз натижалар эса 17,6% дан 4,4% га камайган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* стационарда ҳар бир бемор учун бир суткалик харажат 536.639 сўмни ташкил этади. Асосий гуруҳдаги болалар стационарда ўртача  $20,7 \pm 1,2$  ётоқ-кун ўтказадилар, бу  $536.639 \times 20,7$  кун = 11.108.427 сўмни ташкил этади; таққослаш гуруҳида эса –  $24,0 \pm 1,4$  кун, бу  $536.639 \times 24,0 = 12.879.336$  сўм. Тавсия этилган даволаш тактикасининг қўлланилиши ингичка ичакнинг жарроҳлик патологияларига эга болаларнинг стационарда ётиш муддатини ўртача 3,3 кунга қисқартириш ва даволаш курсида эса 1.770.909 сўм давлат бюджети маблағини тежаш билан исботланган. *Хулоса:* жарроҳлик аралашуви усули патологик ҳолатлар ва асоратларнинг табиатига кўра, лапаротомия ёки видеоассистентлик жарроҳлик ёрдамида амалга оширилган: ичак бўшлиғини очмасдан аралашувлар (10,7%), патология сабабларини бартараф этиш учун энтеротомия (9,9%), ичакнинг бутунлигини тиклаш билан резекцияси (30,6%), стома шакллантирилиши билан ичак резекцияси (30,3%), ичакни резекциясиз стома қўйиш (18,5%) ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган: 4 та халқаро ва 3 та Республика миқёсидаги анжуманлар.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар нашр қилинган: 7 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 1 та чет элда; ЭҲМ дастурига 2 та ДГУ гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 5 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матнининг ҳажми 149 бет. Диссертация матни 23 та жадвал ва 17 та расмлар билан тасвирланган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган; тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республикадаги фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ингичка ичакнинг анатомо-физиологик хусусиятлари. Болаларда туғма ва орттирилган касалликлар ҳамда меъда-ичак тизимининг бошқа патологиялари ҳолатида ингичка ичакдаги жарроҳлик аралашувларига кўрсатмалар»** деб номланган биринчи бобида ингичка ичакнинг анатомо-физиологик хусусиятлари, нозологик шакллар ва радикал жарроҳлик даволашни ҳамда симултан аралашувларни талаб қиладиган касалликларнинг кечиши хусусиятлари тўғрисида адабиётлар маълумотлари келтирилган, ингичка ичак патологиялари бўйича операцияларга кўрсатмалар, патология табиатига мос равишда операция усуллари ва кейинчалик ўз ечимини талаб этувчи мунозарали масалалар тақдим этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тадқиқот материали ва текшириш усуллари»** клиник материал таҳлил қилинган, клиник, инструментал ва статистик усуллар санаб ўтилган ва тавсифланган.

Тадқиқот иши 2010-2021 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти госпитал болалар жарроҳлиги кафедраси клиник базаларида (2-шаҳар клиник болалар жарроҳлик шифохонаси, Республика Перинатал марказининг неонатал жарроҳлик бўлими) қорин бўшлиғи аъзоларининг жарроҳлик касалликларига чалинган 1 кундан 18 ёшгача бўлган 373 бемор болаларни ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари таҳлиliga асосланган. Ичак инвагинацияси бўлган ва фақат консерватив даволаш ўтказилган (112 бемор) болаларни ҳисобга олганда, беморларнинг умумий сони 485 ни ташкил этади, аммо бу беморларга жарроҳлик аралашувлари амалга оширилмаганлиги сабабли тадқиқотдан чиқарилган. 373 беморнинг 179 (48,0%) нафари ўғил болалар, 194 (52,0%) нафари эса қиз болалардан иборат бўлган.

Беморлар 2 гуруҳга бўлинди. 189 (50,7%) нафар бемор – 2010-2016 йилларда клиникада кузатилган ва уларга анъанавий ташхислаш ва жарроҳлик тактикаси қўлланилган (**таққослаш гуруҳи**). 184 (49,3%) нафар бемор – 2017-2021 йилларда клиникада кузатилган ва уларга кенгайтирилган ташхислаш усуллари ва даволашда лапароскопик аралашувлар қўлланилган (**асосий гуруҳ**) (1-жадвал).

**Қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари (n=485) ва жарроҳлик аралашувлари бажарилган (n=373) асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларнинг нозология тури ва даволаш ёндашуви бўйича тақсимланиши**

Асосий гуруҳидаги беморлар сони	Касалликларнинг нозологик шакллари бўйича беморларнинг умумий сони	Таққослаш гуруҳидаги беморлар сони
	<b>Жарроҳлик даволаш (n=373)</b>	
<i>Қорин бўшлиғи аъзоларининг туғма аномалиялари (n=183)</i>		
50	Ингичка ичак атрезияси (n=94)	44
10	Ингичка ичак мембранаси (n=21)	11
5	Ингичка ичак стенози (n=6)	1
4	Ингичка ичакнинг кистоз иккиланиши (n=16)*	12
8	Меконеал ичак тугилиши (n=13)	5
13	Ингичка ичакни иштирокидаги ичак мальротацияси (n=16)	3
1	Қорин ички чурралари (n=5)	4
2	Гиршпрунг касаллигининг тотал ва энтероколит билан асоратланган шакллари (n=5)	3
2	Ректал қопча (n=7)	5
<i>Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўтқир касалликлари ва уларнинг асоратлари (n=118)</i>		
2	Тарқалган перитонит (n=5)	3
22	Меккел дивертикули касалликлари (n=46)**	24
12	Ичак инвагинацияси (n=37)	25
17	Битишмали ичак тугилиши (n=30)	13
<i>Ичакларнинг шикастланишлари (n=17)</i>		
8	Ингичка ичакнинг шикастланишлари (n=14)	6
1	Ўғон ичакнинг шикастланишлари (n=3)	2
<i>Ичакларнинг орттирилган яллиғланиш касалликлари (n=55)</i>		
3	Крон касаллиги (n=3)	-
24	Некротланувчи энтероколит (n=52)	28
<b>184</b>	<b>Жами: 373</b>	<b>189</b>
<b>Консерватив даволаш (n=112)</b>		
76	Ичак инвагинацияси (n=112)	36
<b>76</b>	<b>Жами: 112</b>	<b>36</b>
<b>260</b>	<b>Умумий сони: 485</b>	<b>225</b>

Изоҳ: \* – 3 нафар беморда касаллик инвагинация билан асоратланган; \*\* – 11 беморда касаллик инвагинация билан асоратланган.

Диссертациянинг «Болаларда ингичка ичакда жарроҳлик аралашувларни талаб қилувчи қорин бўшлиғи аъзоларининг туғма ва орттирилган касалликларининг ташхислаш ва уларнинг учраш частотаси» номли учинчи бобида қорин бўшлиғи аъзоларининг туғма ва орттирилган касалликларини ташхислашда қўлланилган усулларнинг натижалари таҳлил қилинган. Абдоминал патологиялар ҳолати аниқланиб, анамнез маълумотларини ўрганиш (антенатал

даврни ўз ичига олган ҳолда), клиник текширув усуллари – палпация, перкуссия ва қорин аускультацияси маълумотлари асосида баҳоланди, бу жараён рентгенологик, УТТ, МСКТ, эндоскопик фиброгастроуденоскопия, колоноскопия каби инструментал ва махсус ташхислаш усуллари билан тўлдирилди.

373 нафар қорин бўшлиғида жарроҳлик аралашуви ўтказилган болалар орасидан 183 (49,1%) нафариди қорин бўшлиғи аъзоларининг аномалиялари аниқланди. Ушбу гуруҳга ўн икки бармоқли ичак патологияси бор беморлар киритилмаган, чунки ушбу патологиялар юқори ичак шакли бўлиб, клиник-анатомик хусусиятлари билан ажралиб туради ва ўн икки бармоқли ичакда тегишли жарроҳлик аралашувни талаб қилади. 171 (93,5%) ҳолатда улар туғма ичак тутилиши (ТИТ) билан намоён бўлди. Ингичка ичакда асосий жарроҳлик (стома қўйиш) амалиётини ўтказган 7 (3,8%) нафар беморда ноёб турдаги аноректал нуқсон (ректал қопча) ва йўғон ичакнинг йўқлиги ёки аномал ривожланганлиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди, 5 (2,7%) ҳолатда эса Гиршпрунг касаллиги тотал шакли ташхисланди. Йўғон ичак ва аноректал соҳадаги аномалиялар, уларнинг ташхиси ва хирургик тактик ёндашувлари ТИТга нисбатан кескин фарқли бўлгани учун бу гуруҳга киритилмаган.

ТИТ шакллари ичак найларининг ривожланишидаги нуқсонлар билан ифодаланди – ички обструкция тури (атрезия, стеноз, ичак мембранаси, ички чурралар, мекониал ичак тутилиши, ичакнинг иккиланиши) 155 (90,6%) бемор болаларда кузатилди. Қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг патологиялари – ташқи обструкция тури (ичакни ташқи томондан босилиши) 16 (9,4%) беморда кузатилди. 14 беморда ташқи обструкция сабаби ичакнинг мальротацияси, 2 (6,9%) беморда эса сариқлик йўлининг битмаслиги билан боғлиқ туғма битишмалар атрофида ичакларнинг буралиши натижасида ташқи босилиш ва странгуляция ҳолатлари кузатилди. Энг кўп учраган ТИТ шакллари ичак атрезияси ва стенозлари бўлиб, жами 94 (25,2%) нафар беморда кузатилди ва типлари бўйича тақсимланиши қуйидагича: I тип – 38 беморда; II тип – 23; III тип А – 17; III тип В – 11; IV тип – 5 беморда.

16 (8,7%) беморда ичак тутилиши ичакнинг малротацияси билан боғлиқ бўлди: 4 (25%) беморда тўлиқ ичак тутилиши, 12 (75%) беморда эса қисман ичак тутилиши аниқланди. Айрим турдаги ичак малротацияси оғир кечиши билан янги туғилган чақалоқларда кузатилди – 7 (43,7%) ҳолат, сурункали қайталанувчи кечиши эса 9 (56,3%) нафар турли ёшдаги болаларда учради.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир жарроҳлик касалликлари 118 (31,7%) беморда аниқланган, булар: ичак инвагинацияси – 37 (31,4%) ҳолат; Меккел дивертикули – 46 (39,0%) ҳолат; ўткир битишмал ичак тутилиши – 30 (25,4%) ҳолат (эрта битишмал ичак тутилиши – 13 беморда, кечки битишмал ичак тутилиши эса 17 беморда); 5 (4,2%) беморда тарқалган перитонитда полиорган бузилишлари билан боғлиқ ҳолатлар (3 беморда ўткир аппендицитнинг кеч ташхисланиши ва 2 беморда ичак резекцияси ва анастомози операцияси асорати сифатида ривожланган).

Ингичка ичакка жарроҳлик амалиёти ўтказилган 373 нафар болалар орасидан 17 (4,5%) нафариди ичак жароҳатлари қайд этилди. 9 (52,9%) ҳолатда ичакнинг жароҳатланиши қоринга тўғридан-тўғри зарба натижасида содир бўлган; 1 (5,9%)

ҳолатда баландликдан йиқилиш оқибатида; яна 1 ҳолат (5,9%) йўл-транспорт ҳодисаси натижасида юз берган. 6 (35,3%) нафар беморда ошқозон-ичак тизими (ОИТ) аъзолари ичак бўшлиғига кирган ёт жисмлар оқибатида жароҳатланганлиги қайд этилди. Бир ҳолатда ошқозоннинг ёрилиши бир неча ичак гематомалари билан бирга қайд этилган, бу ҳолат беморнинг отаси томонидан қоринга тўғридан-тўғри зарба берилиши натижасида юзага келган (жиной ҳолат). Ичак шикастланишлари Америка жарроҳлик жароҳатлари ассоциациясининг (The American Association for the Surgery of Trauma – AAST) шкаласи бўйича баҳоланди. Бу шкалага кўра, ичак шикастланишлари қуйидагича тоифаланади: изоляцияланган (фақат ичакнинг шикастланиши) – 10 (58,8%); кўплаб (ичак ва қорин бўшлиғидаги бошқа аъзоларнинг шикастланиши) – 5 (29,4%); аралаш (ичак ва бошқа анатомик соҳадаги аъзоларнинг шикастланиши) – 2 (11,8%).

Ичакнинг яллиғланиш касалликлари орасида некррозловчи энтероколит (НЭК) 52 (13,9%) беморда кузатилди. Патологиянинг эрта босқичида 32 нафар (61,5%) бемор қабул қилинган, бу касалликнинг Ib ва IIa босқичига мос келади. Патологиянинг авж олиши сабабли уларга жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 20 (38,5%) нафар беморга Ib, IIIa ва IIIb босқичда паллиатив амалиётлар бошқа стационарларда ўтказилган, кейинчалик улар бизнинг клиникага йўналтирилган. НЭК билан касалланган 16 нафар (30,7%) бола муддатидан олдин туғилган, шулардан 5 нафари (31,1%) жуда эрта туғилган (гестация муддати 28-32 ҳафта бўлган), уларнинг ўртача тана вазни  $1613,5 \pm 75,6$  граммни ташкил қилган.

Крон касаллиги билан касалланган 3 нафар (0,8%) бола гастроэнтерология бўлимларидан патологиянинг авж олиши сабабли қайта-қайта консерватив даволаш курслари ўтказилганидан сўнг жарроҳлик бўлимига йўғон ичакнинг тотал шикастланган қисмида функционал тинч ҳолат яратиш мақсадида энтеростома қўйиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун йўналтирилган.

152 (40,8%) беморда ингичка ичак патологиясидан ташқари, 542 турли ҳамроҳ аномалия ва бошқа аъзолар касалликлари ҳам аниқланган: асосий гуруҳда – 257 (47,4%), таққослаш гуруҳида – 285 (52,6%). Ҳамроҳ патологиялар турлари қуйидагича: юрак-қон томир тизими – 33, нафас олиш тизими – 72, ҳазм қилиш тизими – 99, сийдик ажратиш тизими – 26, марказий нерв тизими – 77, чала туғилиш – 56 та, гипотрофия – 101, камқонлик – 78 нафар беморларда аниқланган.

Клиник маълумотларни умумлаштириш орқали қорин бўшлиғи аъзолари патологияларини уларнинг учраш хусусияти ва клиник-анатомик хусусиятлари асосида гуруҳлаштирдик ҳамда таҳлилий ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқдик, бунинг учун энг самарали текширув усуллари қўлланилди (1-расм).

Текширув натижалари ингичка ичакнинг турли патологияларини аниқлаш имконини берди, бунинг учун ЭВМ дастури: "Болаларда ичак патологияларини ташхислашнинг клиник-инструментал мезонлари" (DGU 34147 UZ 27.02.2024 йил) ишлаб чиқилди.



**1-расм. Болаларда ингичка ичак касалликларини ташхислаш алгоритми**

Диссертациянинг тўртинчи боби "Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари патологияларида ингичка ичакда бажарилган жарроҳлик аралашувлари" деб номланган бўлиб, ушбу бобда жарроҳлик тактикаси ва амалга оширилган жарроҳлик аралашувлари усуллари кўриб чиқилган. 357 (95,7%) беморларга жарроҳлик аралашуви шошилнч равишда ва 16 (4,3%) ҳолларда – режали тартибда ўтказилди. 336 (90,1%) беморга лапаротом йўл билан, 37 (9,9%) – видеоассистенлик усулда амалиётлар амалга оширилди. Ингичка ичакдаги

жарроҳлик усуллари асосий касаллик хусусияти ва пайдо бўлган асоратларни ҳисобга олган ҳолда танланди (2-жадвал).

2-жадвал

### Қорин бўшлиғи касалликларида бажарилган бирламчи жарроҳлик аралашувлари турлари (n=373)

Бажарилган жарроҳлик аралашувларининг тури	Қорин бўшлиғи аъзолари касалликларининг тури								Жами:		
	Ривожалниш аномалиялари		Ўткир касалликлари ва уларнинг асоратлари		Ичак жароҳатланишлари		Ичакларнинг яллиғланиш касалликлари				
	АГ	ТГ	АГ	ТГ	АГ	ТГ	АГ	ТГ	АГ	ТГ	АГ+ТГ
Ичак бўшлиғини очмасдан жарроҳлик аралашувлари	5	2	19	14	–	–	–	–	24	16	40
Энтеротомия	9	7	3	2	7	5	–	–	19	14	33
Энтеростомия, ичак резекциясиз:											
• бир стволли	5	8	2	3	–	–	2	2	9	13	22
• икки стволли	4	7	2	4	–	–	7	14	13	25	38
• осма	–	–	–	–	–	–	1	3	1	3	4
Ичак резекцияси:											
а) анастомоз қўйиш билан	36	25	11	16	1	1	–	–	48	42	90
б) ичак оқмасини қўйиш билан:											
• бир стволли	1	6	2	1	–	–	2	4	5	11	16
• икки стволли	11	14	12	25	2	1	6	14	31	54	85
• Т-симон анастомоз билан оқма	3	1	1	1	–	–	–	–	4	2	6
• Bishop-Koop	2	–	–	–	–	–	–	–	2	–	2
Лапароскопик аралашувлар:											
• резекция ва стома қўйиш	4	–	–	–	–	–	–	–	4	–	4
• резекция ва анастомоз қўйиш	24	–	–	–	–	–	–	–	24	–	24
• энтеростомия	5	–	–	–	–	–	–	–	5	–	5
• энтеротомия	4	–	–	–	–	–	–	–	4	–	4
<b>Жами:</b>	<b>113</b>	<b>70</b>	<b>52</b>	<b>66</b>	<b>10</b>	<b>7</b>	<b>18</b>	<b>37</b>	<b>193</b>	<b>180</b>	<b>373</b>
	<b>183</b>		<b>118</b>		<b>17</b>		<b>55</b>		<b>373</b>		

40 (10,7%) нафар беморга ингичка ичакдаги жарроҳлик аралашувлари унинг бўшлиғи очилмасдан ўтказилди. Бунда битишмаларни ажратиш, ичак буралишини бартараф этиш, дезинвагинация, битишмали ичак тутилишида ва ичак фиксациясининг йўқлигида энтеропликация билан чекландик.

37 (9,9%) нафар беморга жарроҳлик аралашувлари ингичка ичак бўшлиғини очиш – энтеротомия қилиниб амалга оширилди: уларнинг 33 нафарида жарроҳлик аралашуви анъанавий очик усулда, 4 нафарида лапароскопик усулда бажарилди. Ушбу беморларнинг 19 (57,6%) нафарида ингичка ичак бўшлиғи очилиб, оч ичак мембранасини кесиш (5 беморда) ёнбош ичак мембранасини кесиш (10 беморда) ва ичак бўшлиғидаги ёт жисмларни олиб ташлаш (4 беморда) амалга оширилди. Жарроҳлик амалиёти қийшиқ кўндаланг йўналишдаги икки қаторли чоклар ёрдамида ичак бутунлигини тиклаш билан яқунланди. Бундай тактика Меккел дивертикулини кесишда (2 беморда) ва ичакнинг шикастланишлари ва яллиғланишларидаги чегараланган перфорацияларда (10 беморда) ҳам қўлланилди. Тор диаметрли Меккел дивертикули асосидан боғланиб кесилди, дивертикулнинг чўлтоғи кесилди чоклар ёрдамида чўктирилди (2 беморда).

227 (60,8%) кузатувларда турли даражада патологик ўзгарган ингичка ичак қисмини резекция қилиш зарурияти туғилди: 199 (87,7%) беморларда жарроҳлик амалиёти анъанавий очик усулда, 28 (12,3%) беморларда лапароскопик усулда бажарилди. 15-20 см (қисқа резекция) резекция 149 (65,6%) беморда амалга

оширилди; 21-50 см (ўртача резекция) – 55 (24,2%) беморда; 51-100 см (катта ҳажмли резекция) – 23 (10,2%) беморда бажарилди.

114 (30,5%) нафар беморларда жарроҳлик аралашуви бирламчи ичак анастомозларини қўйиш билан яқунланди: энтеро-энтероанастомоз – 101 (88,6%) беморда (булардан 4 беморда Т-шаклдаги ингичка ичакни анастомози шакллантирилди); энтеро-колоанастомоз – 13 (11,4%) беморда.

182 (48,8%) беморларда жарроҳлик аралашувлари ичак стомаларини қўйиш билан яқунланди. Ичак стомаларини қўйиш учун кўрсатмалар, тури ва қўйилиш жойини биз асосий касаллик хусусиятлари, пайдо бўлган асоратлар ва реконструктив жарроҳлик аралашуви усулидан келиб чиққан ҳолда аниқладик. Ингичка ичак оқмасини қўйиш ичакнинг маълум бир қисмини функционал фаолиятини чеклашни назарда тутаяди, бу одатда беморнинг умумий аҳволини оғирлашишига олиб келувчи авж олувчи перитонит ва ичак парези ривожланган ҳолатларда қўлланилади.

113 (59,9%) беморларда ичак резекциясидан кейин жарроҳлик аралашуви стома қўйиш билан яқунланди. Стомалар қуйидаги ҳолатларда қўйилди: ичак аномалиялари – 42 (37,2%), қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликлари – 42 (37,2%), НЭЖ – 26 (23,0%) ва ичакнинг травматик шикастланиши – 3 (2,6%).

64 (35,2%) беморларда жарроҳлик амалиёти ичак резекциясини амалга оширмасдан ингичка ичак стомасини қўйиш билан яқунланди: 7 нафар беморда ичак яллиғланиш касалликларида (Крон касаллиги – 3 бемор (4,7%), НЭЖ – 4 бемор (6,3%)) зарарланган ичак қисмларига функционал дам беришни таъминлаш мақсадида; 45 (70,3%) нафар беморларда ингичка ичак оқмаси перитонитнинг авж олиши ва ичак парези ҳолатларида, перитонитнинг кечки босқичларида, қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликлари сабабли релапаротомияларда ичак мотор-эвакуация функциясини яхшилаш мақсадида қўйилди. Шунингдек, ингичка ичак оқмаси 7 (10,9%) нафар беморда кам учрайдиган аноректал малформацияларда, йўғон ичакнинг йўқлиги ёки тўлиқ ривожланмаганлигида шакллантирилди ва 5 (7,8%) нафар беморда Гиршпрунг касаллигининг тотал шаклида реконструктив жарроҳлик аралашувига тайёргарлик мақсадида қўйилди.


37 видеоассистентлик жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг 5 (4,9%) нафарида аралашув стома қўйиш билан яқунланди.

Шундай қилиб, ингичка ичак оқмаси жами 182 (48,8%) нафар беморларда шакллантирилди.

Ичак стомасини қўйиш учун кўрсатмалар касалликнинг табиати, келиб чиққан асоратлар ва реконструктив жарроҳлик амалиётининг тури ва даражасига қараб белгиланди. Клиник ҳолатдан келиб чиқиб, турли хил энтеростомалар бажарилди. 38 (20,9%) нафар беморга бир стволли стома қўйилди, 136 (74,8%) нафар беморга икки стволли стома қўйилди, 6 (3,3%) нафар беморга олиб чиқувчи стома билан Т-симон анастомоз ва 2 (1,1%) нафар беморга эса Bishop-Коор усули бўйича анастомоз амалга оширилди. Қўйилган вақтинчалик ичак стомаларини ёпиш муддати ва усули боланинг умумий аҳволи, қорин бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнининг давомийлиги, стомаланган ичак бўлимларининг ҳолати, туғма нуқсонни жарроҳлик йўли билан тузатишнинг якунига қараб белгиланди.

Стомани ёпиш учун оптимал муддат 6-8 ҳафта ўтгач мақсадга мувофиқ деб топилди.

Клиник маълумотларни умумлаштириш асосида қорин бўшлиғи аъзолари касалликларида жарроҳлик ёндашувини танлашга ёрдам берувчи алгоритм (2-расм) ва ЭХМ дастури: «Болаларда ингичка ичак касалликларида жарроҳлик ёндашуви» (DGU 34144 UZ, 27.02.2024 й.) ишлаб чиқилди.



**2-расм. Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари касалликларида жарроҳлик ёндашув алгоритми**

Неонатал даврда туғма ичак тугилиши каби патологияларнинг энг кўп учрайдиган сабаблари бўлган атрезияларни жарроҳлик йўли билан тузатишнинг асосий усуллари билан бўлиб мослаштирилган (адаптацияланган), “учма-уч” ёки Т-

симон анастомозлар (ичак резекцияси билан ёки резекциясиз) бўлиб ҳисобланади. Янги туғилган чақалоқларда ичак анастомозини қўйишда афзалроқ тикиш усули – бир қаторли давомли чок қўйиш бўлди. 16 та ҳолатда ичак тутилиши сабабларини энтеротомия йўли билан бартараф этишга муваффақ бўлинди. Туғма ичак тутилиши, перитонит ва қўшма туғма нуқсонлари бўлган 37 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ичак тутилишининг баландлигига қараб энтеростома шакллантириш билан яқунланди. Малротацияларда жарроҳлик аралашувининг асосий принциплари ичак ротацияси бузилишларини қунт билан тафтиш қилиш, ичак тутилишини бартараф этиш ва аппендэктомияни амалга оширишни ўз ичига олади. Операция вақтида ингичка ичакни, йўғон ичак бўлимларини ва ичак тутқичини физиологик ҳолатга келтириш имкониятини баҳолаш, юзага келган ичак ротацияси бузилишини операцияда тугалланган ротация ҳолатига келтиришга ҳаракат қилиниши керак. Туғма ичак тутилишлари билан касалланган 37 (9,9%) нафар янги туғилган чақалоқда бажарилган лапароскопик аралашувлар операциянинг интраоперацион асоратларини камайтириш ва пайдо бўлиши мумкин бўлган битишмалар хавфини пасайтириш, шунингдек, шифохонада ётиб даволаниш муддатини қисқартириш имконини берди.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг шошилиш жарроҳлик касалликлари орасида, ингичка ичакда операцияларни талаб қилувчи ҳолатлардан энг катта гуруҳни, 485 беморнинг 163 (33,6%) нафарида, инвагинация ташкил қилди. Ичак инвагинацияси беморнинг шикоятлари, анамнези, объектив ва инструментал текширув маълумотлари асосида ташхисланди. УТТнинг ташхислашга жорий қилиниши нурланиш таъсирини камайтиришга, инвагинация ва ҳамроҳ касалликларнинг (ўткир аппендицит, мезентериал лимфаденит) эҳтимолий сабабларини аниқлашга ёрдам берди. Қорин бўшлиғининг умумий рентгенографияси ичак тутилиши клиник белгилари намоён бўлганда ва асоратларга шубҳа бўлганда амалга оширилди. Кўкрак ёшидаги болаларда инвагинацияга ўхшаш клиник кўриниш бошқа сабаблар, жумладан, ривожланиш нуқсонлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кўшимча ташхислаш усуллари натижалари инвагинациянинг даволаш тактикаси ва консерватив дезинвагинациянинг натижасини баҳолашга имкон берди. Касалликнинг 4-босқичида (перитонит босқичи) бўлган 24 (14,7%) нафар беморларга консерватив даволашсиз шошилиш жарроҳлик амалиёти талаб қилинди.

Пневмоирригография дезинвагинация усули орқали инвагинацияни консерватив равишда бартараф этиш 139 нафар беморга (касалликнинг 1, 2 ва 3-босқичи аниқланган беморларда) қўлланилди. Консерватив дезинвагинация 112 (80,6%) нафар беморда самарали бўлди. Инвагинациянинг бартараф этилганлигига ҳавонинг ёнбош ичакнинг терминал қисмига ўтиши ва қорин бўшлиғидаги ўсмасимон ҳосиланинг йўқолиши мезон бўлиб ҳисобланди. 27 (19,4%) ҳолатда консерватив даво самара бермади ва ушбу беморлар жарроҳлик йўли билан даволанди.

Шундай қилиб, ичак инвагинацияси билан оғриган 163 бемордан 51 нафари жарроҳлик йўли билан даволанди. Жарроҳлик амалиёти вақтида инвагинациянинг қуйидаги анатомик шакллари аниқланди: ёнбош-чамбар ичак – 19 (37,3%), ёнбош-

кўр-чамбар ичак – 27 (52,9%), йўғон-йўғон ичак – 2 (3,9%) ва ингичка-ингичка ичак – 3 (5,9%).

